

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил январь ойининг 17 кунда жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Ф.Собиров, М.Абдуллаеванинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бешариқ туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, судланувчи Й.Маматқуловнинг ҳимоячиси “Бешариқ салоҳияти” адвокатлик бюроси адвокати С.Мирзомиддинов, судланувчи Қ.Қаландаровнинг ҳимоячиси “Мўтадил ҳимоя” адвокатлик бюроси адвокати Б.Қодировларнинг иштирокида, Маматқулов Йўлдаш ва Қаландаров Қахрамон Отажоновичларга нисбатан №1-1506-2101/372-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Маматқулов Йўлдаш (Mamatqulov Yo'ldash) 19.10.1955 йилда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам:

1) Ўзбекистон район ҳалқ судининг 22.03.1979 йил кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон ССР ЖК (эски таҳрирда) 125-моддасининг 2-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган;

2) Киров район халқ судининг 20.10.1983 йил кунги ҳукмига кўра, (эски таҳрирдаги) Ўзбекистон ССР ЖК 204-моддасининг 2-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган;

3) Бешариқ туман судининг 22.02.1995 йил кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 216⁶-моддасининг 1-қисми билан 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган;

4) Қўқон шаҳар судининг 30.05.1995 йил кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 166-моддаси 1-қисми, 109-моддаси 2-қисми билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган;

5) Бешариқ тумани судининг 07.06.1999 йил кунги ҳукмига кўра, ЖК 226-моддаси 1-қисми, 109-моддаси 2-қисми, 272-моддаси 2-қисми билан 12 (ўн икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган ва 18.10.2001 йилда “амнистия тўғрисида”ги Фармонга асосан жазодан озод қилинган;

6) жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 27.09.2002 йил кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан 2 йил муддатга аҳлоқ тузатиш иш жазоси тайинланган; 10.06.2004 йилда жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди томонидан ЖК 105-моддаси 2-қисми билан 3 (уч) йил 3 (уч) ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган;



8) жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 13.01.2006 йил кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми билан 3 (уч) йил 3 (уч) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазодан 03.08.2007 йилда ЖИБ Зангиота туман суди томонидан ЖК 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 (бир) йил 6 (олти) ой 21 (йигирма бир) кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштирилган;

9) жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 09.07.2010 йил кунги ҳукмига кўра, ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

10) жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 04.04.2011 йил кунги ҳукмига кўра, ЖК 131-моддаси 2-қисми билан 7 (етти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, белгиланган жазодан 04.11.2011 йилда жазони тўлиқ ўтаб озод қилинган;

11) жиноят ишлари бўйича Данғара туман судининг 16.08.2013 йил кунги ҳукмига кўра, ЖК 104-моддаси 3-қисмининг “д” банди билан 8 (саккиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, тайинланган жазо жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2017 йил 5 январь кунги ажрими билан ЖК 74-моддасига асосан ўталмай қолган 4 (тўрт) йил 7 (етти) ой 11 (ўн бир) кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга яшаш жойини тарк этишни бутунлай таъқиқлаган ҳолда озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, ушбу жазо жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 2018 йил 10 апрель кунги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 (уч) йил 5 (беш) ой 14 (ўн тўрт) куни шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган;

12) жиноят ишлари бўйича Бешариқ тумани судининг 17.05.2018 йил кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланиб, 4 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилиб, 04.05.2020 йилда ЖИБ Олмалик шаҳар судининг ажрими билан ўталмай қолган 2 (икки) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖК 48¹-моддасига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилиб, 12.06.2021 йилда жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг ажрими билан ўталмай қолган 11 (ўн бир) ой 19 (ўн тўққиз) кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари озод қилинган, оиласидан ажрашган, 3 нафар фарзандлари бор, мавсумий ишчи, Бешариқ тумани,



Дала-Ҳ.Олимжон МФЙ, Ҳунармандлар кўчаси, 22-уйда яшайди, иш бўйича муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 13.12.2021 йил куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддаси 4-қисмининг “б” банди билан айбланган;

Судланувчи: Қаландаров Қахрамон Отажонович (Qalandarov Qaxramon Otajonovich) 19.04.1972 йилда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали 3 нафар фарзандлари бор, мавсумий ишчи, Бешариқ тумани, Нурафшон МФЙ, Нурафшон қишлоғида яшайди, иш бўйича муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 13.12.2021 йил куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисми билан айбланган.

Суд судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни:-

А н и қ л а д и:

2021 йил 15 сентябрь куни фуқаро Шерматова Малоҳат Алиевна Бешариқ тумани ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, унда +99894-448-45-10 абонент рақамининг эгаси қўшмачилик ва фоҳишахона сақлаш билан шуғулланаётганлиги сабабли, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган. Мазкур ариза асосида, шу куни Бешариқ тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида, Бешариқ тумани Дала-Ҳамид Олимжон МФЙ, Ҳунармандлар кўчаси 22-уйда яшовчи хавfli рецидивист Маматқулов Йўлдаш яшаш уйида +99894-448-45-10 абонент рақами эгаси Қаландаров Қахрамон Отажонович билан бир гуруҳ шахслар бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, шу куни соат 19 ларда яшаш уйи ҳаммомида ғаразли ва паст ниятларда қўшмачилик қилиб ва фоҳишахона сақлаб, М.Шерматова ва З.Олимовнинг жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериб, бунинг эвазига хизмат хақи учун 100.000 сўм пулни олган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ушланиб, Й.Маматқуловдан тадбир учун берилган 100.000 сўм миқдоридаги пул, Қ.Қаландаровдан эса 50.000 сўм миқдордаги пул далилий ашё тариқасида олинган.

Судланувчи Маматқулов Йўлдаш суд мажлисида ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, бир неча йиллар аввал хонадонида мижозлар фойдаланиши учун ҳаммом очганлигини, шу сабабли ҳаммомга келган аёл ва эркакларни ҳам киритиб туришлигини, илгари ҳам турмуш қурганлигини, уйда шароит йўқ, фарзандлари катта бўлиб қолишганлигини, шу сабабли ҳаммомга бирга кириб чиқайлик деб айтган мижозларни ҳам ҳаммомга пул эвазига қўйиб келишлигини, 2021 йил 15 сентябрь куни соат 19 ларда унга унчалик



таниш бўлмаган у “Бахтиёр” деб биладиган асли исми фамилияси Қаландаров Қаҳрамон яшаш уйига келиб, эр-хотин борлигини танишлари, улар ҳаммомга келиб, жинсий алоқада бўлишини, шу сабабли ҳаммомдан жой беришини пулини беришини айтганида унга “ўзи сен айтган одамлар эр-хотинми” деб сўраганида, Қ.Қаландаров уларни эр-хотин эканини маълум қилиб, у ўзи жавоб беришлигини, уларга, узоқдан келганлиги учун машинасида ўзи олиб юрганлигини, уни гапларига ишониб айтган одамларини олиб келаверишлигини, ҳаммомга киритишлигини, ишларини битириб кетишлигини, орадан бироз вақт ўтиб, Қ.Қаландаров уйига келиб, ўзи айтган эр ва хотинни келганлигини айтганлигини, уни орқасидан ўзига нотаниш бир аёл ва бир эркак киши кириб келганлигини, у улардан эр-хотинлигини тасдиқловчи никоҳ гувоҳномаси бор ёки йўқлигини сўраганида Қ.Қаландаров унга “дода бу одамлар ишончли одамлар, менга ишонинг” деб айтганлиги учун Қ.Қаландаров ва уйига келган одамларни гапига ишониб, уларга ҳаммомдан жой берганлигини, шунда ўзига нотаниш аёл киши унга 10.000 сўмлик купюрада бўлган 100.000 сўм миқдордаги пулни берганлигини, у пулни олиб қолганлигини, аёл ва эркак кишига Қ.Қаландаров ҳаммомни жойлашган ўрнини тушунтириб қўйганлигини, улар ўзлари билиб ҳаммомга кириб кетишганлигини, орадан кўп вақт ўтмасдан Қ.Қаландаров уйда ўтирганлигини, сабаби ўзи олиб келган мижозларни олиб кетишини айтганлигини, орада уйига ўзларини Бешариқ тумани ИИБ ходимлари деб таништирган шахслар икки нафар ҳолислар иштирокида кириб келишиб, бир фуқарони аризаси юзасидан тадбир ўтказилаётганлигини, улар Қ.Қаландаров уйига аёл ва эркак киши олиб келган ёки келмаганини сўраганида ИИБ ходимларига ҳақиқатдан ҳам Қ.Қаландаров ҳайдовчи йигит уйига бир эркак ва аёлни эр-хотин деб олиб келганлигини, уларни жинсий алоқада бўлиши учун ҳаммомга киритиб юборганини, буни эвазига улар унга 100.000 сўм берганлигини маълум қилиб, улар берган 100.000 сўм пулни ИИБ ходимларига тақдим этганлигини ва ИИБ ходимларини ҳаммомга бошлаб борганлигини, шунда ҳаммом ичида яланғоч ҳолатда жинсий алоқа қилиш учун кириб кетган шахслар ҳам бўлиб ўтган гапларни тасдиқлаб, бу ерга жинсий алоқа қилиши учун келганлигини ва буни эвазига унга 100.000 сўм пулни бериб қўйганини гапириб қўйишганлигини, унга берган пулларни ИИБ ходимлари солиштириб кўришганида тадбирда иштирок этиш берилган пуллар билан бир хил эканлиги аниқланганлигини, суриштирув жараёнида, Қ.Қаландаров ҳам қилган ишини тан олиб, аёл ва эркак кишини уйига олиб келгани эвазига 50.000 сўм пул олганлиги аниқланиб, ундан ҳам ушбу пул баённома тузиб олиб қўйишганлигини, у 2021 йил май ойида шифохонадан чиқаётганида кўчада Қ.Қаландаровни кўриб қолганлигини, ўша вақтда у уни бошқарувидаги “Nexia” русумли автомашинасида яшаш уйига ташлаб қўйганлигини, кейин уни кўрмаганлигини, 2021 йил 15 сентябрь куни уйдан эр ва хотинни ҳаммом қилиши учун жой сўраб келганда кўрганлигини, агарда Қ.Қаландаров уйига жой сўраб келмаганида у бегона одамларни ҳаммомга қўймаган бўлишлигини, у Қ.Қаландаровни гапларига ишонганлигини, Қ.Қаландаров



уларни меҳмони эканини айтганлигини, уларни ёшларидан кўриб эр-хотин эканига ишонганлигини, бундан ташқари Қ.Қаландаров уларга жавоб беришлигини, ҳеч нарса бўлмаслигини, ишонарли одамлар дегани учун уни гапига ишониб қолганлигини, шу сабабли уларни паспортлари ва никоҳ гувоҳномасини сўрамаганлигини, бундан ташқари ушбу ишни пул учун қилганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, бошқа бундай ишларга қўл урмаслигини, ёшини инобатга олиб, қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи Қаландаров Қахрамон Отажонович суд мажлисида, 2021 йил 15 сентябрь куни соат 19 лардан ўтганда Бахмал қишлоғига икки нафар мижозларни автомашинасида ташлаб қўйиш мақсадида кетаётганида 94-448-45-10 рақамига 20 кундан бери таниш бўлган ўзини аввал ҳам бир икки марта Бешариқ туманидан Қўқон шаҳрига ташлаб қўйган ўша вақтда ўзини “Рухшона” деб таништирган 91-694-50-02 рақам эгаси қўнғироқ қилиб, уни қаерда эканини сўраганида унга мижозларни манзилига олиб кетаётганлигини айтганлигини, у бўшаган вақтида қўнғироқ қилиб юборишлигини айтганлиги учун мижозларни яшаш уйига ташлаб, тумандаги стадион ёнига етганида “Рухшона”га қўнғироқ қилганлигини, у йигити билан Фурқат туманидаги “Сим-сим” номли чойхонада ўтирганлигини, йигит билан жинсий алоқа қилишлиги учун Бешариқ туманидан жой топиб беришини илтимос қилганлигини, уни илтимосига асосан Бешариқ шаҳрида яшовчи кўча-куйда “Дода” деб билувчи кишини уйига эр-хотинларни уйига қўйишини эшитганлиги ва уни уйига аввал ҳам бир-икки марта ўзини ташлаб кетгани учун “Рухшона”га бўпти бораман деб айтганлигини, “Дода”ни уйига келиб унга бир йигит ва қиз борлигини жинсий алоқа қилгани жой кераклигини сўраганида, у унга уларни олиб келавер 70-80 минг сўм берса бўлди деб айтганлигини, кейин “Рухшона”га қўнғироқ қилиб, жой топганини айтиб, жой 70-80 минг сўм атрофида бўлишлигини айтиб, у тушунтирган Фурқат туманидаги чойхонага бошқарувидаги “Nexia 2” русумли 40 Т 528 КА давлат белгили автомашинасида етиб борганлигини, ушбу манзилга борганида “Рухшона” ўзига нотаниш йигит билан гаплашиб турганлигини, кейин “Рухшона”га Бешариқ шаҳрида “сен айтган жой бор” деганида у яхши уларни ўша ерга олиб бориб олиб келасиз деганлиги учун “Рухшона” ва уни йигитини автомашинасида Бешариқ туманига олиб келаётганида бир-бирлари билан гаплашиб, “Рухшона” йигитига тилла узук олиб беришни гаплашиб кетишганлигини, Бешариқ шаҳрига келиб, “Дода” исмли кишини уйига кириб, унга айтган одамлари келганлигини айтганлигини, “Дода” уйига кираверишликларини айтганлиги учун “Рухшона” билан нотаниш йигитга “Дода”ни уйига кираверишини айтганлигини, улар машинадан тушиб, йўл кира учун унга 10.000 сўм купюрадан иборат 50.000 сўм пулни қўлига берганлигини, кейин “Рухшона” ва нотаниш йигит додани уйини ҳаммомида жинсий алоқа қилиш учун ўзлари нархига келишганлигини, у бу ишга аралашмаганлигини, лекин “Рухшона” келишувга кўра, уларни яна Фурқат туманига олиб бориб қўйишга келишгани учун уларни чиқишини сўрида кутиб турганлигини, “Дода” ҳам ҳовлисида иш қилиб турганлигини,



шу орада “Дода”ни уйига фуқаролик кийимида бўлган кишилар кириб келишиб, ўзларини Бешариқ тумани ИИБ ходимлари эканини таништириб, холислар иштирокида ушбу уйга нима мақсадда келганини сўрашганлигини, шунда ИИБ ходимларига “Дода”ни уйига икки нафар мижозларни олиб келганини улар жинсий алоқа қилиши учун ҳаммомга кириб кетганини маълум қилганлигини, бу гапни “Дода”ни ўзи ва “Рухшона” ҳамда нотаниш йигитни ўзи ҳам тасдиқлаб, “Дода”га 100.000 сўм пул берганини нотаниш йигит эса унга 50.000 сўм пул берганини тасдиқлаб ўтишганлигини, кейин уларни барчасини Бешариқ тумани ИИБга олиб келишганлигини, бу ерда ҳолат бўйича тушунтириш хати ёзиб берганлигини ва ИИБ ходимларига 50.000 сўм пулларни топширганлигини, “Дода” исмли шахсни кейинча ҳодиса куни исмини Маматқулов Йўлдаш ака эканлигини билганлигини, ҳозирда содир этган қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини, ўзига нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Мадаминов Шохрухбек Зафаржон ўғли суд мажлисида, 2021 йил 15 сентябрь куни соат 19 лардан ўтганда Бешариқ тумани ИИБ биноси ёнида таниши “Бахтиёр” билан ўтиб кетаётганида, ўзларини Бешариқ тумани ИИБ ходимлари деб таништирган шахслар уларга бир ишда ҳолис сифатида иштирок этишга таклиф қилишганлиги сабабли уларни таклифига рози бўлганлигини ва у каби ҳолис сифатида таклиф қилинган Кимсанов Бахтиёр иштирокида ИИБ ходимларини хизмат хонасига киришганлигини, шу ерда билишича М.Шерматова Бешариқ тумани худудида яшовчи таксистлик фаолияти билан шуғулланувчи 99894-448-45-10 рақамли абонент эгаси фоҳишахона сақлаб, қўшмачилик қилиш билан шуғулланаётганлиги ҳамда қўшмачилик фаолияти билан шуғулланувчи танишларига мижозларни етказиб бериш билан шуғулланаётганлиги ҳақидаги ИИБ бошлиғи номига ариза берганлиги юзасидан ИИБ ходимлари ушбу ҳолат бўйича тадбир ўтказмоқчи бўлиб туришган эканлигини, шу сабабли ИИБ ходимлари уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, ўзи ва Б.Кимсанов иштирокида М.Шерматова ва у билан бирга бўлган З.Олимов исмли шахсга жами 150.000 сўм бўлган турли серияли 10.000 сўмлик купюрада бўлган 15 дона ўзбек сўмини тақдим қилишганлигини, шундан сўнг З.Олимов ушбу пулларни олиб, аризачи М.Шерматова билан чиқиб кетишганлигини, шу куни орадан бироз вақт ўтиб, таксистлик фаолияти билан шуғулланувчи 99894-448-45-10 рақамли абонент эгаси аризачи М.Шерматова ва З.Олимовни Бешариқ шаҳрида жойлашган бир хонадонга жинсий алоқа қилиш учун кириб кетганлик ҳақида хабар келиб тушганлиги сабабли ИИБ ходимлари билан Бешариқ шаҳри, Ҳунармандлар кўчаси 22-уйда яшовчи кейинчалик унга маълум бўлишича кўпчилик “Дода” деб биладиган Маматқулов Йўлдаш тоғани уйига келишганлигини, кейин ушбу уйга ИИБ ходимлари билан кириб, уй эгаси Й.Маматқулов билан ҳаммомга кирганида ариза билан мурожаат қилган М.Шерматова ва З.Олимовлар яланғоч ҳолатда жинсий алоқада бўлиб турганини гувоҳи бўлишганлигини, шу ерда билишича 99894-448-45-10 рақамли абонент эгаси Қаландаров Қахрамон исмли фуқарога М.Шерматова ва



3.Олимовларни жинсий алоқа қилишлари учун Й.Маматқуловни уйига автомашинасида олиб келиб, буни эвазига 50.000 сўм миқдорда пул берганлигини, Й.Маматқуловни ўзи эса уйдаги ҳаммомда шароит яратиб берганлиги учун 100.000 сўм миқдордаги пулларни олганлиги аниқланиб, Қ.Қаландаровдан 50.000 сўм Й.Маматқуловдан 100.000 сўм пуллар уларни иштирокида баённома тузиб олиб қўйишганлигини, мазкур пуллар 3.Олимовга берган пуллар билан солиштириб кўрилганида улар ариза асосида берилган пулларни серия рақамлари билан бир хил эканлиги аниқланганлигини, шундан сўнг ушбу ҳақида хужжатлар расмийлаштирилганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди

Судланувчи Й.Маматқулов ва Қ.Қаландаровларнинг жиноят содир этганликда айби, уларнинг ўзларини ва гувоҳнинг кўрсатуvidан ташқари, судда ўқиб эшиттирилган гувоҳлар Шерматова Малоҳат Алиевна, Кимсанов Бахтиёржон Баходиржон ўғли ва Олимов Зиёдбек Хусанбой ўғлиларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари (и.в. 23-25, 26-28, 43-45), шунингдек, жиноят ишидаги ариза, (и.в. 4), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, фото илова (и.в. 8-9), тадбирда фойдаланиш учун пулларни бериш ҳақида, далилий ашёни олиш ҳақида баённомалар (и.в. 5-7,10) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа хужжатлар билан тасдиғини топди.

Маматқулов Йўлдашнинг жинсий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддаси 4-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган, чунки Й.Маматқулов хавfli рецидивист бўлгани ҳолда Қаландаров Қахрамон Отажонович билан бир гуруҳ шахслар бўлиб, олдиндан жинсий тил бириктириб, 2021 йил 15 сентябрь куни соат 19 ларда Бешариқ тумани Дала-Ҳамид Олимжон МФЙ, Ҳунармандлар кўчаси, 22-уйида яшаш уйи ҳаммомида ғаразли ва паст ниятларда қўшмачилик қилиб ва фоҳишахона сақлаб, М.Шерматова ва 3.Олимовнинг жинсий алоқа қилишлари учун 150.000 сўм пул эвазига шароит яратиб бериб, бунинг эвазига хизмат ҳақи учун 100.000 сўм пулни олган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ушланиб, Й.Маматқуловдан тадбир учун берилган 100.000 сўм миқдоридagi пул, Қ.Қаландаровдан эса 50.000 сўм миқдордаги пул далилий ашё тариқасида олиниб, Й.Маматқулов ўзининг юқоридаги жинсий ҳаракатлари билан Қ.Қаландаров билан олдиндан тил бириктириб, ғаразли ва паст ниятларда қўшмачилик қилиб, яшаш уйи ҳаммомида фоҳишахона сақлаб, жиноят содир этган.

Суд, Маматқулов Йўлдашга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолати йўқ деб ҳисоблайди ва жазони енгиллаштирувчи ҳолати оилавий аҳволини, судда қонуний енгиллик беришни сўраганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, унинг ёшини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига риоя қилиб, одиллик, инсонпарварлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига таянган ҳолда, Маматқулов Йўлдашга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб айбланаётган модда жазо санкцияси доирасида кўрсатилгандан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, унга нисбатан жиноят



ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 2021 йил 12 июнь кунги ажримига кўра, ўталмай қолган 11 (ўн бир) ой 19 (ўн тўққиз) кун озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли шартли озод қилинганлигини бекор қилиб, унга нисбатан тайинланган жазога Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил ўташ учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашликни лозим топади.

Қаландаров Қахрамон Отажоновичнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган, чунки Қ.Қаландаров таниши Маматқулов Йўлдаш билан бир гуруҳ шахслар бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, 2021 йил 15 сентябрь куни соат 19 ларда Й.Маматқуловнинг Бешариқ тумани Дала-Ҳамид Олимжон МФЙ, Хунармандлар кўчаси, 22-уйидаги яшаш уйи ҳаммомида ғаразли ва паст ниятларда қўшмачилик қилиб ва фоҳишахона сақлаб, М.Шерматова ва З.Олимовнинг жинсий алоқа қилишлари учун 150.000 сўм пул эвазига шароит яратиб бериб, бунинг эвазига хизмат ҳақи учун 50.000 сўм пулни олган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ушланиб, Й.Маматқуловдан тадбир учун берилган 100.000 сўм миқдоридagi пул, Қ.Қаландаровдан эса 50.000 сўм миқдордаги пул далилий ашё тариқасида олиниб, Қ.Қаландаров ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Й.Маматқулов билан олдиндан тил бириктириб, ғаразли ва паст ниятларда қўшмачилик қилиб, Й.Маматқуловнинг яшаш уйи ҳаммомида фоҳишахона сақлаб, жиноят содир этган.

Суд, Қаландаров Қахрамон Отажоновичга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолати йўқ деб ҳисоблайди ва жазони енгиллаштирувчи ҳолати оилавий аҳволини, судда қонуний енгиллик беришни сўраганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, унинг ёшини инобатга олиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига риоя қилиб, одиллик, инсонпарварлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига таянган ҳолда, Қаландаров Қахрамон Отажоновичга нисбатан айбланаётган модда жазо санкцияси доирасида кўрсатилган жарима жазосини тайинлашликни лозим топади.

Шунингдек суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 150.000 (бир юз эллик минг) сўм пулларни М.Шерматовога тилхат орқали қайтарилганини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472, 473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ у к м қ и л д и :

Маматқулов Йўлдаш Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддаси 4-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.



Й.Маматқуловга Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддаси 4-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил 3 (уч) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Й.Маматқуловга нисбатан жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 2021 йил 12июнь кунги ажримига кўра, ўталмай қолган 11 (ўн бир) ой 19 (ўн тўққиз) кун озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли шартли озод қилинганлигини бекор қилиб, унга нисбатан тайинланган жазога Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил ўташ учун 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Тайинланган жазо муддати 2022 йил 17 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Й.Маматқуловга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси “қамоққа олиш”га ўзгартирилсин ва суд залида қамоққа олинсин.

Қаландаров Қахрамон Отажонович Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисми билан айбли деб топилсин.

Қ.Қаландаровга Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 (етмиш беш) баравари миқдорида 20.250.000 (йигирма миллион икки юз эллик минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Тайинланган жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Қ.Қаландаровга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 150.000 (бир юз эллик минг) сўм пуллар М.Шерматовага тилхат орқали қайтарилгани инobatга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:-имзо

Ҳукм нусхаси аслига тўғри.

Жиноят ишлари бўйича

Бешариқ туман судининг раиси

Ф.Собиров

